2010 йил 14 июль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 135 (11.696) | Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

БМТ тизимидаги ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари Қирғизистон жанубида июнь ойида рўй берган ва Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудларига катта миқдордаги қочқинлар кириб келишига сабаб бўлган зўравонликлар оқибатида юзага келган гуманитар инқироз чоғидаги Ўзбекистоннинг ғоят самарали саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон ҳукуматига БМТ агентликлари билан ўз вақтида яқин ва самарали ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этади. Қирғизистонда ваҳшиёна хунрезликлар бошланиши билан Ўзбекистоннинг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларида ташкил этилган қочқинлар лагерларига ушбу агентликлар вакилларининг кириб-чиқиши учун дарҳол имконият яратилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан БМТнинг резидент-мувофиқлаштирувчиси, ЮНИСЕФ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари қочқинлар лагерларида бўлиб, уларнинг аҳволи билан бевосита танишди, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилган юксак олижанoблик ва амалга оширилган чора-тадбирлардан ҳайратга тушди.

Ўзбекистон ҳукумати билан маслаҳатлашувлардан кейин БМТ агентликлари, жумладан, БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси, БМТнинг Жаҳон озиқ-овқат дастури, БМТнинг Гуманитар масалаларни мувофиқлаштириш бошқармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби тузилмалар қочқинлар лагерларига ўз ходимларини ва кўрпа-тўшак, озиқ-овқат, сув, санитария-гигиена воситалари, шунингдек, дастлабки тиббий ёрдам тўпламларидан иборат гуманитар ёрдамни юборди.

Июнь ойи охирида қочқинлар ўз мамлакатига қайтиб кетганидан кейин БМТнинг Ўзбекистонга келтирилган гуманитар ёрдами қўшни Қирғизистонга ўтказиб берилди. Шу муносабат билан бизнинг бу борадаги ишларимизга кўрсатган катта ёрдами учун Ўзбекистон ҳукуматига алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Умид қиламизки, ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам давом этаверади. Биз қочқинлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги ҳамкорлигимиз БМТ билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Жаноби Олийлари, БМТ тизимидаги ташкилотлар номидан Сизга бўлган энг юксак ҳурмат-эҳтиромларимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Анита НИРОДИ,**
**БМТ резидент-мувофиқлаштирувчиси**




**«Ўзэкспомарказ»да Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи якунланди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ ДАВОМ ЭТАДИ

Тадбир рақобатбардош, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан, мамлакатимизнинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 2010 йил 23 мартда қабул қилинган «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарори белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жорий йилнинг май ойида ҳудудий саноат ярмаркалари, 1 июндан 8 июлгача пойтахтимизда машинасозлик, электр техника ва авиация саноати маҳсулотларини стандартлаштириш, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати, коммунал, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноати корхоналари, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасининг тармоқ саноат ярмаркалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекциясидан маълум қилишларича, ўтказилган тадбирларда 1300 дан ортиқ корхона иштирок этган ва 29000 нафардан зиёд киши ташриф буюрган.

*(Давоми 2-бетда).*

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкентда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ҳамда «World Ombudsmen» тўплами тақдимоти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова бошқарди.

Давра суҳбатида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнининг босқичма-босқич амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминламоқда, 2008 йил 1 январдан Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда жиноий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини эркинлаштиришнинг муҳим жиҳатлари қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан инглиз тилида тайёрланган «World Ombudsmen» тўпламининг тақдимоти бўлди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда чоп этилган ушбу нашр хорижий шериклар ҳамда ўқувчиларнинг Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш соҳасидаги билимини бойитиш, халқаро ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилган «Дунё омбудсманлари» китобининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ахборот-тарғибот ишларини амалга ошириш Омбудсман институти фаолиятининг йўналишларидан биридир. Бу борада мамлакатимиз ва хорижда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасига оид материалларни чоп этиш ҳамда тарқатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг мазкур нашри Ўзбекистонда Омбудсман институти таъсис этилганининг ўн беш йиллигига бағишланган.

Ушбу тўпламга йигирмадан ортиқ хорижий омбудсманлар, дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва амалиётчиларининг материаллари киритилган, бу борада Ўзбекистон тажрибаси очиб берилган. Унда муаллифлар томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти ташкил топишининг асосий босқичлари, унинг ҳудудий вакиллари фаолияти, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорлиги акс эттирилган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан муаллифлар, Омбудсманнинг миллий ҳамкорлари, дипломатик корпус, илмий муассасалар ва ўқув юртлари вакиллари нашрнинг долзарблигини қайд этдилар.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Президентимизнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига асосан ушбу соҳани янада тараққий эттириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, ушбу тармоқ мазкур фармон асосида тобора ривожланмоқда. Унга кўра, 2005-2010 йилларда 122 лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, шундан 119 таси рўёбга чиқарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам соҳа ривожида муҳим омил бўлди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Оқ йўл сизга, битирувчи магистрлар» маросими ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Пахтакор» ва «Кўкча Оқтепа» маҳаллалари фуқаролар йиғини ҳамкорлигида 81, 245-мактаблар ўқувчилари ўртасида футбол, шашка, стол тенниси бўйича «Соғ танда — соғлом ақл» шиори остида мусобақалар уюштирилди.

✓ **БУГУН** Тошкент халқаро аэропортида футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган XIX жаҳон чемпионати учрашувларини аъло даражада бошқарган ҳакамлар Равшан Эрматов ва Рафаэл Илёсов тантанали равишда кутиб олинди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон жангчи ва фахрийлар бирлашмаси томонидан уюштирилган тадбирда шаҳримиздаги ўндан ортиқ мактабда бирлашма ташаббуси билан ҳарбий спорт синфлари ташкил этилганлиги маълум қилинди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг Парламент комиссияси фаолиятига дахлдор масалаларини қизғин муҳокама қилдилар.**

• **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қуйи палатанинг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасида фаолият юритаётган ЎзЛиДеп фракцияси аъзолари томонидан қонун ташаббускорлиги асосида тайёрланаётган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг навбатдаги муҳокамасига бағишланган амалий семинар ўтказилди.**

• **Янгийўл шаҳар ҳокимлигида республика Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти бошқармаси ҳамкорлигида «Қишлоқ фаровонлигини таъминлашда ёш тадбиркорларнинг ўрни» мавзусида тадбир ўтказилди.**

• **Наманган шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят маданият, мудофаа ҳамда спорт ишлари бошқармалари, шунингдек, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Аскар оналарни шарафлаймиз» номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

• **Самарқанд вилояти Нурobod туманида йилига 500 дона плита ва 25 минг дона блок-ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Сайиф РСА» хусусий фирмаси ишга туширилди. Айни пайтда 10 нафар ишчи жалб этилган мазкур корхонада дастлабки қурилиш материаллари тайёрлана бошлади.**

• **«Ўриксор қувончи» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши билан Косонсой туманида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайди. Туман марказида фаолият бошлаган ушбу енгил саноат корхонасида катталар ва болалар учун оёқ кийимлари тайёрланади. Унда ўрнатилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига 25 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш мўлжалланган.**

### ЖАҲОНДА

• **БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Уганда пойтахти Кампoлада 74 кишининг ҳаётига зомин бўлган террорчилик ҳаракатларини ўтакетган ваҳшийлик сифатида қоралади ва тез кунларда бундай хунрезликни содир этганларнинг қонун йўли билан жазоланишига умид билдиришини таъкидлади.**

• **Куба инқилоби етакчиси Фидель Кастро бир неча йил давомида илк бор мамлакат телеэкранларида пайдо бўлди. У меҳмон сифатида етакчи маҳаллий телеканаллар томонидан узатиладиган оммабоп «Думалоқ стол» телекўрсатувининг махсус сонида иштирок этди.**

• **Япония парламентининг махсус сессиясини июль ойи охирларида ўтказиш режалаштирилмоқда. Маълумотларга кўра, махсус сессия чоғида депутатлар парламент юқори палатасининг янги раисини сайлайди.**

• **Кеча «Бритиш петролеум» компаниясининг муҳандислари Мексика кўрфазидаги шикастланган нефть қувури устига сизиб чиқаётган барча «қора олтин»ни тўплашга мўлжалланган янги мослама ўрнатишди. Ушбу деярли 70 тонналик мослама кўнгилдагидек иш берса, унинг ёрдамида махсус кемалар билан қувур ўтказгичлар орқали компания оқиб чиқаётган нефтнинг барчасини йиғиб юқорига чиқаришни мўлжалламоқда.**

• **Россия миллий антитеррористик қўмитаси ходимлари Махачқалъада мамлакатнинг марказий минтақаларида терактларни амалга оширишга тайёргарлик кўрган олти аёл ва икки эркакни қўлга олдилар. Барча аёллар аҳоли кўп йиғиладиган жойларда ўзларини портлатмоқчи бўлишган, қўлга олинган эркаклар эса жорий йилнинг март ойида Москва метросида содир этилган портлашларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.**

Бозор — кўзгу

# ТАЛАБ, ЭҲТИЁЖ ВА МАСЪУЛИЯТ





**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида янги бозорлар барпо этиш, мавжудларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ободонлаштириш, сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида изчил, кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.**

Қарорга кўра, юртимиздаги мавжуд бозорларни янада обод ва кўркам қилиш, мақбул нарх-навони шакллантириб, пул тўловлари ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, тўлов терминаллари ва назорат-касса аппаратлари билан таъминлаш, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар сотилиши ҳамда нарх-наво асоссиз ўсишининг олдини олиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, харидор ва сотувчиларга қулай шарт-шароит яратиш борасида пойтахтимиздаги "Сергели деҳқон бозори"да ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Патта тўловларини маҳсулот турига қараб белгилаш жорий этилиб, сотувчилардан йиғиладиган кундалик тушумлар ва хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар компьютер орқали тегишли банк ҳисоб-рақамларига кирим қилинмоқда. Бозор ва унинг 9 шохобчасида Миллий банкнинг Сергели филиали фаолият юритмоқда.

Бозорнинг янги ишлаб чиқилган паспортида унинг ихтисослашуви, иш тартиби, турғун савдо нуқталари сони, жойлашуви, ҳудуддаги мавжуд инфраструктура объектлари, низом жамғармалари ва уларнинг шаклланиши, таъсисчилари, кўрсатилаётган хизмат турларига оид зарур маълумотлар ўз ифодасини топган.

Мазкур бозор 10,7 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, уч юздан ортиқ турғун савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, 1168 бозор растасига эга. Бу ерда кунига 20 тоннадан зиёд мева, картошка, сабзавот, полиз, қарийб 3 тонна гўшт-сут маҳсулотлари, 10 минг дона тухум сотилади. Бозорда ташкил этилган замонавий лаборатория қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини доимий назорат қилиб бориш имконини бераётир.

Бозорда кўрсатилаётган хизмат сифатини нафақат савдо расталаридаги нарх-наво, саранжомлик ва тозаликдан, балки автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойидан ҳам билиш мумкин. Бозорга машинада борган киши, биринчи навбатда, уни қулай ва хавфсиз жойга қўйиш ташвишида бўлади. Афсуски, "Сергели деҳқон бозори"да ҳуқуқий ва техник меъёрларга жавоб берадиган автомобилларни қўйиш жойлари ташкил этилган, деб бўлмайди.

– Шохобчаларимизда ҳам, марказий бозоримизда ҳам ҳозирга қадар автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойи йўқ эди, – дейди "Сергели деҳқон бозори" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Муродбек Саидхонов. – Шу боис бозоримиз ҳудудида енгил автомашиналарга хизмат кўрсатишни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, бозор атрофидаги бўш майдондан 200 квадрат метр ҳудуд ажратилди. Айни вақтда бу ерда реконструкция ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг номи юқорида таъкидланган қарорида сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида солиқ тўловчининг номи ва индивидуал рақами, товар харид қилинган вақти ва санаси, номи, нархи, касса аппаратининг рақамига оид маълумотлар бўлиши шартлиги таъкидланган. Лекин мазкур бозорда бунга тўла амал қилинмаяпти. Бозор ҳудудида кўплаб раста ва турғун савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлса-да, уларда ўрнатилган назорат-касса машиналари, тўлов терминаллари етарли даражада эмас.

– Пластик карточкадан фойдаланишнинг кўплаб қулай томонлари борлигини жуда яхши биламиз, – дейди харидор Гулжаҳон Ботирова. – Сергели бозорининг ёнида яшасак-да, кўп ҳолларда харид учун бошқа бозорларга борамиз. Чунки, бозор ҳудудида пластик карточкада савдо қиладиган дўкон йўқ.

Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлимидан маълум қилишларича, аҳолига савдо хизмати кўрсатувчи ушбу шохобчалар хусусий тадбиркорларга тегишли бўлиб, бозор ҳудудида жойлашган бўлсада, уларнинг ҳеч бири бозор балансида турмайди. Ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида бозор ҳудудидаги шохобчаларда бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг ҳуқуқий ҳужжатларга эгалиги юзасидан инвентаризация ўтказилиб, тадбиркорларнинг барчасида тегишли ҳужжатлар мавжудлиги боис қайта рўйхатдан ўтказилди. Бироқ, улар ўзлари учун ҳам, харидорлар учун ҳам қулай бўлган тўлов тизими – пластик карточкалар орқали савдо қилишга негадир шошилмаётир.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг татбиқ этилаётган ҳисоб-китобнинг бундай замонавий усули "Сергели деҳқон бозори"да ҳам тезда жорий этилишига ишонамиз.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган ва экологик хавфсиз технологияларни жорий қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Юқори технологиялар ва замонавий бошқарув тизимларини қўллаш орқали ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини ва самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан саналади.

Ҳозир «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси цемент, шифер, ойна ва ойна буюмлари, қуруқ қурилиш қоришмалари, гипс буюмлари, гипс картони, бўёқлар, қоплама ва сопол кошинлар, ғишт, девορбоп материаллар каби турли қурилиш материалларини ишлаб чиқармоқда. Кейинги йилларда 30 турдан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 10-12 фоиз ошириш имконини берди. Маҳсулотларнинг кўп қисми Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Афғонистон сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Четга чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 21,4 миллион АҚШ долларидан ошди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИ

**Марказий Осиё қадимдан маърифат марказларидан бири бўлиб келган. Бу минтақанинг мутафаккирлари жаҳон илм-фани, маданиятига асос солиб, уларнинг бой ижодий мероси бугунги замон тараққиётига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда.**

Ўзбек халқи ҳам жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солувчи азалий қадриятларга эга. Илму маърифат бобидаги бебаҳо тарихий меросимиз биз учун фахр, ғурурдир.

Минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий билим эгаллашида, тафаккури кенгайишида маърифатчи олимларнинг илгари сурган ғоялари катта аҳамият касб этади.

Атоқли мутафаккир, қомусий билимлар соҳиби Аҳмад Дониш жамиятнинг асосий бўғини — оила ва оилавий муносабатлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Жумладан, Шарқда оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, амалда иқтисод одобига риоя этиб, оилани бошқариш эркак зиммасида деб, унга қуйидаги учта шартни қўяди: эркак кишида доимий даромади, керакли уй-рўзғор асбоблари ва ў[illegible]нинг яшаши учун доимий жойи бўлиши, ўзига яраш[illegible] ўзига мос хотинни танлаши керак» («Наводир — ул [illegible]ақоеъ»).

Мутафаккирнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, оила мустаҳкамлигини таъминлашда асосий қарашлардан биридир.

Шарқнинг яна бир алломаси Юсуф Хос Ҳожиб айтадики: «Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходимнинг кўнгли синади», «...хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади». У яна ёзади: «Ходим бойиса, давлат, эл бошлиғи бойийди, эл бошлиғининг кучи (давлатнинг кучи) халқ билан. Шунинг учун... халқ тўқ бўлсин».

Инсон меҳнатини тўғри тақдирлаш тақсимот муносабатларининг бош масаласи, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг биринчи ва устувор воситаси ҳисобланади. Инсон меҳнатининг тўғри ва адолатли тақдирланишини йўлга қўйиши аслида иқтисодиётга жуда катта фойда келтиради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг манфаат (шахсий манфаат) масаласига доир ғояси айниқса аҳамиятлидир. «Аслида бутун қимирлаган жон нафни ўйлаб ҳаракатланади», деб ёзади. Бу фикр «ҳар қандай ҳаракат замирида манфаат ётади» ёки тадбиркорликнинг асосий мақсади кўпроқ даромад олиш, деган фикрда ҳам ўз ифодасини топади. Улуғ бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд бу фикрни «қўлингиз - ишда, қалбингиз Оллоҳда бўлсин», деган ғоя билан ривожлантирди.

Халқимизнинг маънавий меросида улуғ шоиримиз, фахр-ифтихоримиз Алишер Навоийнинг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоий ўзининг бутун онгли фаолиятини умуминсоний мақсадларга қаратади. У асарларида тақсимот муносабатларига, уларнинг адолатли ташкил этилишига эътибор қаратади, хизматга яраша тақдирлаш масаласи доимо диққат марказида туради. У ясовул мисолида шундай дейди: «агар у хизматига яраша ҳақ олиш хаёлида бўлса, у ота мероси ва она сути каби ҳалолдир». («Маҳбуб-ул қулуб»).

Бунда Алишер Навоий иккита ғояни илгари суради. Биринчидан, меҳнатнинг меҳнати ва сифатига мувофиқ тақдирланиш бўлса, иккинчидан, меҳнатга яраша ҳақ олиш «она сутидек ҳалол» эканлиги ҳақида фикр уқтирилган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда ҳам бу масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврда асосий ишлаб чиқарувчи куч деҳқонлар бўлган. Алишер Навоий деҳқонларнинг моддий неъматлар яратувчи асосий куч эканлигини, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий тақдири уларга боғлиқлигини кўра билди. У ёзадики: «Оламнинг ободлиги деҳқондан, меҳнат аҳли шодон, улар шодон». «Деҳқон қандай экин экишга қилса ҳаракат — элга ҳам озиқ-овқат етказир ҳам баракат». Бу билан Алишер Навоий оддий яратувчи одамларни самимият, чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан шарафлайди. Буюк мутафаккирнинг деҳқонлар ҳақидаги иқтисодий ғоялари бугунги кунимизнинг ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Юртбошимизнинг «Деҳқон тўқ бўлса, юрт тўқ бўлади» деган сўзлари буюк шоиримиз иқтисодий ғояларига ҳамоҳангдир.

**Жавоҳир АҲМЕДОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси**

# ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ ДАВОМ ЭТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Кўргазма чоғида иштирокчилар Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган янги маҳсулотлар ва ўзлаштирилиши режалаштирилаётган буюмлар билан танишди. Битум, АВТС-1 юқори ҳароратли ёғлаш мойи, автомобиллар учун музлашга қарши мослама, шиша идишлар, суюқ озиқ-овқатлар учун фильтрланган картон, кварц қуми, ПВХ, резина буюмлари, турли спорт инвентарлари, матолар, тўқимачилик саноати учун кимё материаллари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу ерда асосан маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига ўзлаштириш учун таклиф этилаётган импорт қилинадиган товарлар намойиш этилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи якунларига кўра, мамлакатимиз компаниялари томонидан жорий йил охиригача ва 2011 йилда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича 2523 та шартнома, шунингдек, қиймати 14 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилди.

Дастурга мувофиқ мамлакатимизнинг 63 йирик компанияси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг тақдимот маросимлари ўтказилгани эътиборга лойиқдир. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси ахборот базасини яратиш ва Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталогини нашр қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берди. Ушбу каталог Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган иккинчи босқичи доирасида босма ва электрон вариантда тарқатилади.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# КАСАНАЧИЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хонадонларимиз фариштаси бўлмиш хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни беқиёс. Истиқлол шарофати ила мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, касб-ҳунар ўрганишига қулайлик яратиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.**

Ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирда аёлларимиз ҳам кўпгина раҳбарлик лавозимларида муваффақият билан фаолият олиб бормоқда.

Шу билан бирга, очиғини айтганда, айнан аёл фарзанд тарбияси, унинг камолоти учун кўпроқ масъулият ҳис этади. Оналаримиз, опаларимиз асосан оила юмушлари билан банд бўлиши, баъзан оила шароити туфайли ишлашни ҳам унутиши шу боисдандир. Бироқ бу борада касаначилик тизими улар учун энг мақбул имкониятдир.

Шайхонтоҳур туманида шаҳар Тадбиркор аёллар жамоатчилик бирлашмаси ташаббуси билан фаол аёллар, тадбиркорлар иштирокида уюштирилган тадбирда касаначиликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида сўз борди, бу борада амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди, аёлларни тадбиркорликка кўпроқ жалб этишнинг аҳамияти ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда бундай давра учрашувларини ҳар бир маҳаллада ташкил этилиши фойдадан холи эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Таълим муассасаларида

# ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ ВА ТАЯНЧИ

**Юрт осойишталиги, эл фаровонлиги аввало тинчлик аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрланишига боғлиқ. Бу борада, албатта биринчи галдаги вазифамиз ёшларимизни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, сиёсий-маънавий билимини ошириш, хизмат интизомига тўлақонли риоя қилишини таъминлашдан иборат.**

Дарҳақиқат, шундай касб эгалари борки, улар Ватан тақдирини ўз тақдиридан юз чандон устун қўйиб, туну кунни бедор ўтказади, унинг тинчлиги, хавфсизлиги, халқимиз осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлиги боқий бўлиши йўлида кўксини қалқон қилиб, шарафли ва масъулиятли хизмат бурчини адо этади. Ана шундай эзгу мақсадларни қалбига жо қилган ўғлонларни тарбияловчи масканлардан бири ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг шахсий таркиби ўртасида ҳам жанговар шайлик ва жанговар қобилиятни таъминлаш мақсадида доимо ўқув-йиғин машғулотлари олиб борилади.

Олийгоҳнинг барча офицер, сержант ва сафдорлари қаторида таҳсил олаётган курсантлар ҳам ҳарбий билим даражасини ошириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника воситаларидан амалда тўғри, ишончли қўллаш кўникмаларини ошириш мақсадида жорий йилги ўқув-йиғин ва дала машғулотлари ҳам юксак савияда ташкиллаштирилди.

— Юртимизга чексиз муҳаббатда бўлган, юрагида ўти бор мард ўғлонларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган олий техник мактабида жанговар шайликка ҳам юксак эътибор берилади, – дейди олий техник мактаби бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи полковник В.Зокиров. – Шахсий таркиб машғулотларда замонавий техника, бошқарув ва алоқанинг электрон, компьютерли тизимлари билан таъминланади. Бу борада ички ишлар ходимларининг юксак интизомини таъминлаш, амалий билим кўникмаларини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Машғулотларни ўтказишдан мақсад ҳам курсантларни, яқинда ишга қабул қилинган ходимларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар имкониятлари, қўлланилиши ҳамда вазифалари билан яқиндан таништириш бўлса, катта курсларда ўқиётганлар ва тажрибали мутахассислар учун ҳам билимини янада оширишдир.

Ёшларга бўлган эътибор эртанги кунимиз учун муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Шундай экан, ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам масъулиятли хизматга муносибларгина танлаб олинади. ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантлари келгуси фаолиятида офицерлик унвонлари билан ёнғин хавфсизлигининг етук муҳандис кадрлари сифатида ИИВ ЁХББ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда самарали фаолият юритади.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби мутахассиси, капитан**
**Мухлиса МУҲИТДИНОВА**

**Пойтахтимизда «БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг Ўзбекистоннинг Тўртинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари юзасидан тавсияларини бажариш бўйича долзарб вазифалар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, адлия вазири ўринбосари Е.Каньязов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Бу жиҳатлар хотин-қизлар, ёшлар ва болаларни кучли, аниқ манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш, оилани қўллаб-қувватлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётимизга татбиқ этилаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги доимий вакилининг ўринбосари Н.Алхазишвили хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш ва таъминлаш бўйича турли халқаро конвенциялар, ҳужжатларнинг амалга оширилишига Ўзбекистонда жиддий эътибор қаратилаётганини, ушбу соҳада ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Миллий ҳаракат дастурларида бу жиҳатлар ўзининг яққол ифодасини топгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ҳаётида янада фаол иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий-интеллектуал савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллалар, айниқса, қишлоқ жойларда аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитини янада яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

2010 йил январь ойида Женева шаҳрида БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмитасининг 45-сессияси давомида Ўзбекистоннинг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича конвенция қоидаларини бажариши тўғрисидаги Тўртинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистонда хотин-қизлар турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда, улар учун муносиб турмуш, меҳнат, таълим шароитларини яратишда улкан ишлар амалга оширилгани алоҳида эътироф этилди. Юртимизда таълим, гендер тенглиги, соғлиқни сақлаш соҳаларида аёлларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бошқа кўплаб масалаларда ижобий натижаларга эришилганига юқори баҳо берилди.

Айни пайтда БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича қўмитаси Ўзбекистонда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлигини, одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссия ҳамда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳудудий идоралараро комиссиялар ташкил этилганини, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат режаси қабул қилинганини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қатор халқаро шартномалар ратификация қилинганини юқори баҳолади.

Давра суҳбатида аёллар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга доир миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларни амалиётда қўллаш борасидаги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТУМАНЛИ АЛЬБИОНДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

**Ғарбий Англиянинг Беркшир графлигида жойлашган тарихи VIII асрга бориб тақаладиган қадимий қасрларидан бири – "Энглфилд Хаус"да голландиялик мусаввир Рональдо Клейжернинг Ўзбекистонга бағишланган асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Нидерландлар давлати фуқароси бўлган Р.Клейжер Гагадаги Қироллик тасвирий санъат академиясини тугатган. 1998 йилдан буён Ўзбекистонда яшаб, ижод қилади. Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаёти, ландшафти, қадимий шаҳарлари, бетакрор шарқона бозорлари ва энг асосийси, эзгуликка ташна ва меҳмондўст халқи унинг асосий илҳом манбаи саналади. Унинг ижодида Ўзбекистоннинг бугунги кўринишлари ва манзаралари орқали голландиялик барокко усталарининг бадиий меросларига ҳамоҳанг асарлар яратишга бўлган интилиш алоҳида ажралиб туради. Портрет жанрида ишланган асарларида Клейжернинг Рембрандтга бўлган муҳаббати яққол сезилади. Унинг услуби шунингдек XX аср ўзбек тасвирий санъати етук анъаналарини ҳам ўзида акс эттиради. Илгари унинг асарлари Нидерландлар, Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон, Қозоғистон ва Украина каби мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда муваффақият билан намойиш этилган.

Голландиялик мусаввирнинг кўргазмаси 1601 йилда "Энглфилд Хаус" қасрининг собиқ соҳиби Норрей Буюк Британия қироличаси Елизавета I ни қабул қилган "Лонг Гэллери" деб номланган залида бўлиб ўтди. Унда 70 дан ортиқ асарлар – портретлар, миниатюралар, пейзаж ва натюрмортлар намойиш этилди. "Шарқ донишмандлиги", "Бухоро юраги", "Мунира ва Бобо", "Эркак портрети" каби асарлар ҳамда бир қатор натюрмортлар алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

— Менинг кўргазмам ўзим жудаям севган ва 13 йилдан буён яшаётган мамлакат ҳақида. Ўз ижодимда Марказий Осиёга, айниқса, Ўзбекистонга ўзимнинг муҳаббатимни кўрсатишга ҳаракат қиламан, — деди Р.Клейжер "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. – Ҳар гал Бухорога, Самарқандга ёки Хивага борганимда ҳамиша ўзим учун янги бўлган нимадир топаман. Мен яна кўп йиллар Ўзбекистонда яшаш ва ижод қилишни, ушбу мамлакатнинг гўзаллигини дунёга кўрсатишни истардим.

Тошкентдаги Британия кенгашининг собиқ директори Невилл МакБэйн Р.Клейжернинг Буюк Британияда бўлиб ўтган кўргазмаси ўз ҳамюртларини Ўзбекистоннинг ҳаёти билан таништиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонда фаолият юритган пайтимда бутун мамлакатни айланиб чиққанман ва кўплаб одамлар билан суҳбатлашганман. Бу орқали мен ажойиб халқ, фавқулодда бой маданият ва ҳайратланарли тарихга эга бўлган мамлакат билан танишдим. Мусаввирларнинг бир-бирлариникига бориши ва ўз маҳоратларини намойиш этиши жуда яхшидир. Р.Клейжер ўз ижоди билан мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кичик бўлса ҳам ҳиссасини қўшишига ишонаман.

**«Жаҳон» АА,**
**Лондон**



## Фармон ва ижро

# НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ўзгаришлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармон ижроси хусусида ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА билан суҳбатлашди.

— Нотариат институти фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида ўрин эгаллайди, — дейди Д.Ёқубова. — Мазкур субъектлар ўз фаолиятлари давомида турли битимлар тузишига тўғри келади. Битимларнинг қонуний кучга эга бўлиши учун эса улар албатта нотариал тартибда тасдиқланиши даркор. Бу низоли ҳолатларнинг келиб чиқишидан тарафларни ҳимоя қилишга замин яратади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида нотариат фаолиятининг зарур норматив-ҳуқуқий базаси яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Нотариат тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Нотариатга оид қонун ҳужжатларини қўллашда нотариуслар битимни тасдиқлашдан олдин тарафларга унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириб беради. Битим мазмуни тарафларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текширади. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беради, тақдим қилинган ҳужжатларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганади. Агарда расмийлаштирилиши сўралаётган нотариал ҳаракат қонунга зид бўлса, уни амалга оширишни рад этади.

**— Нотариал идоралар ва уларда фаолият юритаётган нотариуслар фаолияти хусусида тўхталсангиз.**

— Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган фармони қабул қилингунга қадар республикамизда 566 нотариал идораси фаолият юритиб келган. Фармон асосида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 239 нафар нотариус фаолияти 2010 йил 15 майдан тугатилди.

Хусусий нотариуслар фаолияти тугатилган бўлса-да, Президент фармони ижроси юзасидан 2010 йил 2 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 104-сонли қарори билан нотариал округлардаги эҳтиёж инобатга олиниб, қўшимча 220 давлат нотариал идораси ва 229 нотариус лавозими ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда янги ташкил этилган давлат нотариал идораларидаги нотариус лавозимларига танловлар ўтказилиши юзасидан марказий ва маҳаллий газеталарда эълонлар берилди. Бундай танловларда нотариус лавозимига чуқур билимга эга бўлган масъулиятли шахслар танлаб олинади. Соҳанинг малакали кадрлар билан тўлдирилиши фуқаролар ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини таъминлашга хизмат қилади.

**— Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолияти нима учун тугатилгани, уларнинг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари хусусида сўзлаб берсангиз.**

— Хусусий нотариусларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши хусусий ҳисобланса-да, улар расмийлаштирган нотариал ҳаракатлар ва уларга оид барча архив ҳужжатлари давлатга тегишлидир. Қолаверса, давлат нотариуслари ва хусусий нотариуслар расмийлаштирган нотариал ҳаракатлар ҳам бир хил юридик кучга эга эди. Аммо хусусий нотариусларнинг барчаси ҳам зиммаларига юклатилган бундай муҳим масъулиятга жиддий муносабатда бўлмаган.

Хусусий нотариуслар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари нотариат институтининг обрўсига путур етказадиган айрим салбий тенденциялар мавжудлигини кўрсатди. Улар томонидан қонун билан белгиланган нормаларни бузиш, шунингдек, хизмат ваколатларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, уларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланди.

Фақат фойда олиш мақсадини кўзлаш амалиётда айрим ҳолларда хусусий нотариал идоралар атрофида криминоген вазиятнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусий нотариуслар ва кўчмас мулк бўйича даллоллар, автотранспорт дилерлари ўртасида ўзаро тил бириктириш битимларнинг анча қисмини хусусий нотариусларда жамланишига, назорат қилиб бўлмайдиган воситачилик фаолияти амалга оширилишига шароит яратди.

Фақатгина охирги икки йил давомида йўл қўйган қонунбузилишлари учун 110 нафар хусусий нотариус турли хил жавобгарликка тортилди. Хусусан, 49 нафар хусусий нотариуснинг лицензияси тўхтатилди ва тугатилди, 61 нафар хусусий нотариус интизомий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

**— Хусусий нотариусларнинг иш юритувлари ва архивлари сақланиши қандай таъминланади?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июнда қабул қилинган 104-сонли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида нотариал архивлар ташкил этиш белгиланди. Уларда хусусий нотариусларга ва давлат нотариал идораларига тегишли архив ҳужжатлари сақланишини таъминлаш билан бир қаторда, юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив ҳужжатлари нусхалари берилиши амалга оширилади. Бу нотариал идоралар архив ҳужжатларини олишда қулайликлар яратади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича 14 нотариал архивни ташкил этиш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилмоқда.

Адлия вазирлиги тизимида тузилган ишчи гуруҳлари хусусий нотариуслардаги 10 миллиондан ортиқ архив ҳужжатларини қабул қилиб олиш ва тегишли давлат нотариал идораларига топшириш ишларини амалга оширмоқда. Фуқароларга хусусий нотариусларда расмийлаштирилган ҳужжатларни олишда қулайликлар яратиш ва улар бўйича қайси давлат нотариал идораларига мурожаат этиш, ҳудудларда фаолият юритаётган нотариуслар тўғрисида маълумот бериш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

**— Нотариал идораларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ҳозирги кунда янги ташкил этилган давлат нотариал идораларига хоналар ажратиш билан бир қаторда барча давлат нотариал идораларининг моддий-техника базаси қайта кўриб чиқилмоқда. Жумладан, уларга фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши учун зарур қулайликлар яратилаётир. Замонавий мебель жиҳозлари ва техника воситалари билан таъминланмоқда. Шу билан бирга, янги ташкил этилган давлат нотариал идораларида расмийлаштирилаётган нотариал ҳаракатлар юзасидан ундириладиган тўловларни қабул қилиш бўйича кассалар очиш ҳамда тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилиш учун ҳисоб-китоб терминали ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, нотариал ҳаракатлар махфийлигини таъминлаш мақсадида нотариус учун алоҳида хоналар ажратилмоқда. Давлат нотариал идоралари нотариуслари ва нотариал архиви ходимларининг касбий ва умумий билимини ошириш мақсадида уларни Республика юристлар малакасини ошириш марказида ўқитиш ишлари ҳам ташкил этилмоқда. Давлат нотариал идоралари ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида мутахассислар малакасига, уларнинг ўз вазифаларини сифатли бажариши, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар, кўрсатилаётган қўшимча хизматлар ҳажми ва ундириладиган давлат божлари суммасига боғлиқ равишда моддий рағбатлантириш масалалари ҳам эътибор марказида турибди.

Амалга оширилаётган бу ишлар нотариат институти фаолиятини янада такомиллаштириш имконини беради. Айни вақтда нотариуслар зиммасига жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлаш ишида алоҳида масъулият юклайди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси**
**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан,** ФИБ Учтепа тумани судининг 05.11.2009 йилдаги №К-209 ижро ҳужжатига асосан, "Нур Мебел" МЧЖ Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган, "ВАЗ-2105" русумли, д/р 30Z8171 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 100 000 сўм.

**II. Аукцион савдосига Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 10.05.2010 йилдаги №10-1014/3177 ижро ҳужжатига асосан, "Ғайрат гузари" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, А.Дониш кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган, 2 та бино Блок-А ва Блок-Б дан иборат, умумий майдони 529 кв.м. бўлган, савдо-маиший бинолари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 218 750 000 сўм.

**III.Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар Файзиобод божхона масканида сақланаётган, ЖИБ С.Раҳимов тумани судининг 02.04.2010 йилдаги №1-152/10 ижро ҳужжатга асосан хатланган: 1.** "BMW-525" русумли, д/р B045XDM бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 709 698 сўм. **2.** "Мерседес Бенц-200" русумли, д/р B333CFN бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 683 307 сўм.

**Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази далилий ашё сақлаш омборида сақланаётган: - ЖИБ Тошкент вилояти судининг 04.03.2010 йилдаги №2-037-10 ижро ҳужжатга асосан; 3.** "Мерседес Бенц-200" русумли, д/р 11I3950 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 400 000 сўм. **4.** "Мерседес Бенц-200" русумли, д/р 01H662DA бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 28 500 000 сўм. **5.** "Тойота Ярис" русумли, д/р 01Q540AA бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 29 600 000 сўм. **6.** "ВАЗ-21063" русумли, д/р 01X617AA бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 800 000 сўм. **7.** "ВАЗ-21063" русумли, д/р 01O394AA бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 500 000 сўм. **8.** "ВАЗ-21063" русумли, д/р 11L7249 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 460 000 сўм. **9.** "ВАЗ-21011" русумли, д/р 10Y0239 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 685 817,6 сўм. **10.** "ВАЗ-2103" русумли, д/р 10A057BA бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 200 000 сўм. **11.** "ВАЗ-21063" русумли, д/р 10T107AA бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 600 000 сўм. **12.** "HAFEI" русумли, д/р 30Z0592 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 800 000 сўм. **13.** "Тико" русумли, д/р 10T6592 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 600 000 сўм. **14.** "Матиз" русумли, д/р 10A924BA бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 400 000 сўм. **15.** "Дэу Райсер" русумли, д/р 30G0403 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 945 680 сўм. **16.** "Нексия Донс" русумли, д/р 01N869DA бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 800 000 сўм. **17.** "Нексия Донс-2" русумли, д/р 01R514BA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 000 000 сўм. **18.** "Нексия" русумли, д/р 01D159DA бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 300 000 сўм. **19.** "Нексия" русумли, д/р 30X5516 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 500 000 сўм.

**- ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 25.03.2009 йилдаги №ЖСК-1-23/09 ижро ҳужжатга асосан; 20.** "ВАЗ-21065" русумли, д/р 11V3967 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 500 000 сўм. **21.** "ВАЗ-21070" русумли, д/р 10BE129 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 8 500 000 сўм. **22.** "Матиз" русумли, д/р 30Y8213 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 8 700 000 сўм. **23.** "Нексия" русумли, д/р 30T0565 бўлган, 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 200 000 сўм. **24.** ЖИБ Миробод тумани судининг 25.03.2010 йилдаги №1-183/10 ижро ҳужжатга асосан "ВАЗ-2103" русумли, д/р 01C518DA бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 104 920 сўм. **25.** ЖИБ Миробод тумани судининг 25.02.2010 йилдаги №1-76/2010 ижро ҳужжатга асосан "ВАЗ-21063" русумли, д/р 11Z6972 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 748 000 сўм. **26.** ЖИБ Миробод тумани судининг 28.03.2009 йилдаги №1-759/09 ижро ҳужжатга асосан "Нексия" русумли, д/р 30A4477 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 044 782,4 сўм. **27.** ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 27.01.2010 йилдаги №1-35-2010 ижро ҳужжатга асосан "ВАЗ-2106" русумли, д/р 30D9891 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 303 652 сўм. **28.** ЖИБ Яккасарой тумани судининг 21.04.2010 йилдаги №1-245/10 ижро ҳужжатга асосан "Матиз" русумли, д/р 01A546DA бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 404 460 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 17 август куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 17 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 7 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2010 йил 3 август куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига СИБ томонида қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

**Миробод тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:** Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази далилий ашё сақлаш омборида сақланаётган; 1. ЖИБ Юнусобод тумани судининг 18.09.2009 йилдаги "ЕРАЗ-76201" русумли, д/р 10M746AA бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 964 000 сўм. **2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 03.10.2007 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Камаз-5410" русумли, д/р 19E3928 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 500 000 сўм. **3.** "Алкан-13" русумли, д/р 19A722 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 4 200 000 сўм. **4.** ЖИБ Чилонзор тумани судининг 23.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ВАЗ-21011" русумли, д/р 10S7565 бўлган, 1979 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 100 000 сўм. **5.** ЖИБ Учтепа тумани судининг 26.08.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ВАЗ-2101" русумли, д/р 30E6146 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 850 000 сўм. **6**. ЖИБ Ҳамза тумани судининг 16.07.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ-520 I" русумли, д/р 30C9322 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 200 000 сўм. **7**. ЖИБ Учтепа тумани судининг 27.07.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ВАЗ-21063" русумли, д/р 10V1164 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 2 925 000 сўм. **8.** ЖИБ Миробод тумани судининг 17.08.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ" русумли, д/р 10C0947 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 325 000 сўм.

**9.** ЖИБ Учтепа тумани судининг 03.10.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Москвич-412" русумли, д/р 30T9917 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 440 000 сўм.

**10.** ЖИБ Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 24.07.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ЛАДА-21154-110-20" русумли, д/р 10BF115 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 935 000 сўм. **11.** ЖИБ М.Улуғбек тумани судининг 21.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ВАЗ-21099" русумли, д/р 11L8805 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3853 000 сўм.**12.** ЖИБ Чилонзор тумани судининг 10.12.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "ЕРАЗ-76201" русумли, д/р 11I0636 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 330 000 сўм.

- Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган;**13.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Джип Ленд Ровер" русумли, д/рсиз, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 500 000 сўм. **14.** ЖИБ Юнусобод тумани судининг 16.06.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "БМВ-525" русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 400 000 сўм. **15.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 07.05.2009 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Джип Ленд Ровер" русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 38 413 000 сўм.

- Тошкент ш. "Ўзтемирйўлмаштаъмир"да сақланаётган; **16.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "Джип Гранд Чероки" русумли, д/р 30P1793 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 400 000 сўм. **17.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги ижро ҳужжатига асосан "МОАЗ-546-П" русумли, д/р 55-99ЕР бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 23 040 000 сўм. **18.** ЖИБ Сергели тумани судининг 23.12.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар 1-сонли автотаъмирлаш заводида жойлашган, Р.Х.Мирзаҳмедовага тегишли бўлган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва ускуналар. Бошланғич баҳоси – 3 750 000 сўм.

**Бектемир тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:** Бектемир т, Ҳ.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказий ашёларни сақлаш омборида сақланаётган, 22.10.2009 йилдаги №1-436 ижро ҳужжатига асосан хатланган: **1.** 22.10.2009й, №1-436 "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11O1196 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 610 452,94 сўм. **2.** "ГАЗ-2410" русумли, д/р 30P7328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 686 758,83 сўм. **3.** "ГАЗ-2401" русумли, д/р 11R1033 бўлган, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 610 452,94 сўм. **4.** "ГАЗ-2401" русумли, д/р 30D1949 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 686 758,83 сўм. **5.** 02.06.2009 йилдаги №1-302 ижро ҳужжатига асосан "ВАЗ-2101" русумли, д/р 01H492AA бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 678 658,10 сўм. **6.** 12.02.2010 йилдаги №1-35 ижро ҳужжатига асосан "Матиз" русумли, д/р 10Q744BA бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 917 200 сўм.

**Чилонзор тумани СИБ томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:** 12.08.2008 йилдаги №2-57-2008 ижро ҳужжатига асосан "Бета Алгоритм АШ" МЧЖ шаклидаги чет эл корхонасига қарашли корхона ҳудудида сақланаётган**:** **1.** "Форд-транзит" русумли, д/р M47-25 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 198 346 сўм. **2.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-15 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 403 891 сўм. **3.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-16 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 477 706 сўм. **4.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-24 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 415 873 сўм. **5.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-18 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 281 905 сўм. **6.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-21 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 173 026 сўм. **7.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-22 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 884 190 сўм. **8.** "Форд транзит" русумли, д/р M47-20 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 959 505 сўм. **9.** "Форд-транзит" русумли, д/р M60-56 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 473 794 сўм. **10.** "Форланд" русумли, д/р M71-16 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 13 594 546 сўм.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ёз — ўтмоқда соз

# БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

**Ёзги таътил пайтида шаҳар чеккасидаги хушманзара жойларда дам олишга бормаган ўқувчилар учун пойтахт мактаблари қошидаги оромгоҳларда барча шарт-шароитлар яратилган.**








Сергели туманидаги 317-мактаб қошидаги очилган «Қўнғироқча» оромгоҳи тўрт сменага мўлжалланган бўлиб, ҳар босқичда бу ерда 140 нафардан болажон ҳордиқ чиқаради. Яқин атрофдаги Бобур, Амир Темур номидаги ва «Гулистон» маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар оромгоҳнинг асосий дам олувчиларини ташкил этади.

Оромгоҳда турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, вокал, бадиий гимнастика, «Эртаклар яхшиликка етаклар», «Моҳир қўллар», чет тили тўгараклари раҳбарлари Д.Раҳимжонова, Д.Мирусмонова, А.Мамбетова, Т.Юнусова, Ф.Курязовалар болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда катта ёрдам бермоқда.

Оромгоҳ дам олувчилари учун 12-спорт-соғломлаштириш мажмуасида чўмилиб ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар бисёр. «Камалак» болалар ташкилотининг туман бўлими истироҳат боғларига, кутубхоналарга болажонларнинг чиқишини уюштиришда яқиндан ҳисса қўшмоқда.

17-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида МК «Ватанпарвар» ташкилоти бўлими ҳамкорлигида болалар ёзги оромгоҳларида сузиш бўйича мусобақаси ва «Нептун» байрами ўтказилди. Унда 285-ва 266-мактаблар қошидаги оромгоҳлар ўқувчилари ҳам қатнашди.

**И.ДИЛШОДОВ**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ёзги мавсумда оромгоҳларга жалб этилмаган ўқувчи ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида қатор спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.**

## «БОЛАЛАР ЛИГАСИ» ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Таътил пайтида ташкил этилган «Ёз-2010» спорт мусобақаларига шу кунгача 23621 ўқувчи жалб этилган. Қувонарлиси, иштирокчиларнинг 10166 нафари қизлардир, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Шу билан бир қаторда Болалар ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт мажмуалари тарбияланувчилари ўртасида футбол, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи бўйича «Болалар лигаси» ўйинлари ташкил этилиб, 1152 нафар ўғил-қиз жалб этилди.

Жамғарма мутахассисларининг фикри билан айтганда, спорт мусобақаларини ташкил этишдан асосий мақсад ёшлар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиб, келгусида Ватанимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қиладиган спорт усталарини тайёрлашдан иборат.

«Болалар лигаси» ўйинлари доирасида барча туман жамоалари волейбол бўйича мусобақаларда муносиб қатнашди. Якуний натижаларга кўра мезбон Миробод тумани жамоаси қизлари биринчи, Чилонзор ва Юнусобод туманлари жамоалари - иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда эса Миробод, Сергели ва Юнусобод туманлари вакиллари совриндор бўлди.

Давом этиб келаётган футбол мусобақаларида олтинчи турдан кейин 1996 йилда туғилган болалар ўртасида 18 очко билан чилонзорлик футболчилар якка пешқадам бўлиб олган. Кейинги ўринларда Бектемир тумани жамоаси — 18, Учтепа тумани жамоаси — 15 очко билан муқим ўрнашиб олган. 1998 йилда туғилганлар ўртасида Чилонзор тумани — 17, Бектемир тумани - 16 ва Мирзо Улуғбек тумани - 13 очко билан кейинги босқичга йўлланма олди.

Баскетбол бўйича баҳсларда биринчи тур ўйинларидан сўнг ўсмирлар ўртасида гуруҳ босқичида Чилонзор, Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари пешқадам бўлади.

Қизлар баҳсида ҳам ушбу туманлар бўйича бир хил натижа қайд этилди.

**Акбар ЖИЯНОВ**

## Ўз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Дунё ишларидан бўлма
ноумид.

* * *

Агар бадқилиқсан, заҳар
бедаво,
Фалакдан бошингга келар
минг бало.

* * *

Фалак ишларидан бўлса
хабаринг,
Ақлу хуш бўлажак сенинг
раҳбаринг.

* * *

Сухан негизида ақл бўлса гар,
Сухандонга шону шараф
нақадар.

* * *

Вале ўз айбини кўролмас
ҳеч ким,
Ўз феъли мусаффо
кўринар муҳим.

* * *

Иш қилсанг, баҳосин
берсин пок ақл,
Сўнгра доноларга уни
кўз-кўз қил.

* * *

Менга деган эди кекса
билимдон.
"Кекса қайта бошдан
бўлмас навқирон".

* * *

Яхшилик қилиб қол то
тирик кўзинг,
Кўзинг тирикликда айтиб
қол сўзинг.

* * *

Нима эксанг ўша
тушар ўроққа,
Нима десанг шу сўз
инар қулоққа.

* * *

Кўпол сўз эшитмас юмшоқ
сўз киши,
Юмшоқ сўзлик бўлсин
забоннинг иши!

* * *

Жанжални майл этмас
ҳеч бир мард инсон.

* * *

Пушту-паноҳинг агар
яздон бўлибди,
Боду оташ доми яксон
бўлибди.

* * *

Гуноҳсизга қилур олов
ҳам сажда.

* * *

Букрни қабр ҳам
тузатар аранг.

* * *

Тўғри йўлга солар
олижаноб дил.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Спорт янгиликлари

**Мамлакат XIX миллий чемпионати биринчи даврасы якунлангач, «Пахтакор» пойтахтимизда ўқув-йиғин машғулотларида иккинчи даврага қизғин тайёргарлик кўраётганидан мухлисларнинг хабари бор.**

## «ПАХТАКОР» ТАРКИБИДА ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР

Ўзбекистон Кубоги беллашувларида «Шўртан»га имкониятни бой бериб, ярим финалда ўйнаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган Равшан Ҳайдаров шогирдлари эндиликда барча диққат-эътиборни чемпионат баҳсларига қаратиши табиий ҳол. Айни кунларда «Пахтакор» футболчилари Чимёнга сафар қилишни режалаштирмоқда. У ерда бир ҳафта машғулот ўтказгач, яна Қибрайга йиғилишади.

Маълумки, жамоанинг моҳир ҳимоячиларидан бири Александр Клецков Хитойга жўнаб кетди. Ўз олдига мамлакат чемпиони бўлишни мақсад қилиб қўйган тошкентликлар сафига Дилшод Шарофутдинов ва Рўзим Аҳмедов келиб қўшилди.

Иккинчи давра бошлангунга қадар пахтакорчилар сафи яна кўпайиши мумкин.

**Акбар ҒАНИЕВ**

**Ўзбекистонлик боксчилар Украина ва Россияда ташкил этилган нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашиб, юртимиз бокс мактаби салоҳиятини яна бир бор намойиш қилди.**

## ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Украинанинг Мариупол шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь, Молдова, Тунис, Грузия ва Россиянинг энг сара боксчилари рингга кўтарилди.

Мусобақада муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиздан тўққиз нафари ўз вазн тоифасида финалга чиқди. Олтин медаль учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувларда ғалаба қозонган Алишер Маҳмудов, Жасурбек Латипов, Орзубек Шоимов, Санжар Раҳмонов, Аббос Атоев, Элшод Расулов ва Мирзоҳид Абдуллаев шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Ёш боксчиларимиздан Хуршид Тожибоев ва Сардор Абдуллаев кумуш медаль билан тақдирланди.

Мазкур турнирда жами тўққизта медални қўлга киритган ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Москва шаҳрида ташкил этилган анъанавий халқаро турнирда эса Ўзбекистон терма жамоасига номзод бўлган истеъдодли ёшлар рингга чиқди.

Ўн бир мамлакат вакиллари қатнашган мусобақада Шаҳриёр Исоқов ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Финалга чиққан Бобур Айтбоев ва Фазлиддин Ғойибназаров кумуш, Камолиддин Аҳмедов бронза медали билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ҲАМЮРТИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

**Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Анастасия Свечникова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.**

Иқтидорли спортчимиз найзани 54,32 метр узоқликка улоқтириб, олтин медалга сазовор бўлди.

– Нуфузли мусобақада ғалаба қозонганимдан хурсандман, – дейди ЎзА мухбирига Осиё чемпиони А.Свечникова. – Бу мен учун жорий йилнинг ноябрь ойида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган XVI Осиё ўйинларига муҳим тайёргарлик босқичи бўлди.

Шунингдек, мусобақанинг ядро улоқтириш баҳсида Татьяна Тикаева учинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўнкураш баҳсларида Сергей Тимшин бронза медални қўлга киритди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

**Ёз чилласи авжида бўлган бир пайтда болажонлар соя-салқин боғ-роғларда, оромгоҳларда дам олиб, таътил кунларини мароқли ўтказмоқда.**

## СУЗИШНИНГ ГАШТИ БОШҚАЧА-ДА

Спортга иштиёқи баланд ўғил-қизларимизнинг бир гуруҳи куни кеча 110-мактаб негизидаги спорт мажмуасида ташкил этилган сузиш мусобақаларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

— Биз болажонлар саломатлигини тиклашга қаратилган мусобақаларни мунтазам ўтказиб келамиз, — дейди 12-спорт мактаби директори Сергей Лозин. — Айниқса, сузишга қизиқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Спортчи ёшларимизнинг йил давомида турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келиши ҳам фикримиз далилидир. Уларга Зоя Ермилова, Павел Иванин ва Александр Азёмкин каби мураббийлар машғулотлар ўтади.

Айтиш керакки, мусобақада Умид Хайруллаев, Диана Гевортян, Жасур Рўзиқулов ва Дима Нестеренколар юқори натижаларга эришиб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ва спорт мактаби томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Уйғур кўча, 356-уй бўйича Талипов Анвар Инағамович номига берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3840 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 606

Топширилган вақти: 15.40